# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 19 июнь, № 129 (7909) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# АНДИЖОННИНГ ЯНГИ «ЎСИШ НУҚТАЛАРИ», АҲОЛИ ҲАЁТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШ ВА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, истиқболдаги режаларни белгилаш мақсадида 17-18 июнь кунлари Андижон вилоятида бўлди.**



Ташрифнинг иккинчи куни Андижон шаҳрида вилоят ва туманлар ҳокимлари, давлат идоралари раҳбарлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, жамоатчилик фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятининг бугунги ҳолатига баҳо бериб, уни ҳар томонлама ривожлантириш вазифалари ҳақида сўзлади.

**— Андижонга келишимиздан мақсад — одамларнинг дардини таҳлил қилиб, аниқ режаларни белгилаш, аҳоли жон бошига даромадни ошириш, маҳаллаларда шароитни яхшилаш. Ҳамма натижаларга танқидий қарашимиз керак. Андижоннинг бирини икки қилиш учун яна қандай "ўсиш нуқталари" бор, одамларни қийнаётган нима муаммолар бор, деб савол қўйиб, уларга чора топиш зарур. Бунинг учун ижро органи раҳбарлари ва маҳаллий депутатлар дунёқарашини ўзгартириши керак. Агар улар дунёқарашини ўзгартириб, фидойи бўлиб ишласа, ҳамма соҳа ўзгаради, — деди Президент.**

Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, иш ўринлари ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Андижон вилоятида 882 та маҳалладаги имкониятлар ўрганилгани, аҳолининг азалдан шаклланган кўникмаларидан келиб чиқиб, энг самарали "ўсиш нуқта"лари сифатида — ҳунармандчилик, томорқа ва иссиқхона хўжалиги, боғдорчилик, гулчилик, паррандачилик каби йўналишлар белгилангани қайд этилди. Ҳар бир маҳаллага салоҳиятли тадбиркорлар бириктирилади, зарур маблағлар йўналтирилади.

Ҳар бир туман ва шаҳарга бириктирилган вазирлик ва хўжалик бирлашмалари, банклар ҳамда сектор раҳбарлари маҳаллабай ишлаш асосида, аҳоли муаммоларини ҳал этиш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун шахсан масъул бўлади. Бу ишлардан пировард мақсад — аҳоли бандлиги ва даромадини ошириб, вилоятда камбағалликни йўқотишга эришишдир.

Ҳозирги кунда вилоятдаги маҳаллаларнинг аксарияти "ўсиш нуқталари"ни аниқлаб олган бўлишига қарамай, 100 та маҳалла ҳалигача ўз ихтисослашув йўлини топмаган. Шу боис ушбу маҳаллаларни ривожлантиришга вилоят ҳокимлиги ва иқтисодий комплекс масъул бўлади.

Давлатимиз раҳбари Избоскан туманида ўзи билан учрашган Умидахон Усмонова ўз хонадонида етарли шароит йўқлигига қарамасдан, ҳаттоки уйининг меҳмонхонасида парранда боқиб, аҳолига тарқатиб келаётганини алоҳида таъкидлади. У бугунгача 23 минг бош хонаки товуқ тарқатган.

**— Бу тадбиркор ва шижоатли аёлнинг Урганжи маҳалласида қилган ишлари менга жуда маъқул бўлди. Шунинг учун, "Микрокредитбанк" бу тадбиркор синглимизга 5 миллиард сўм миқдорида фоизсиз кредит ажратади. Яна бир алоҳида совғамиз бор — ҳозир сизларнинг кўз олдингизда Умидахон синглимга "Меҳнат шуҳрати" орденини топшираман, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Йиғилишда Умидахон Усмоновани "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирлаш тўғрисидаги Президент Фармони ўқиб эшиттирилди.

Давлатимиз раҳбари фидойи аёлга юксак мукофотни тантанали топширди. Йиғилганлар Президентимизнинг ушбу ташаббусини гулдурос қарсаклар билан олқишлади.

Жорий йилда вилоятда ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан қўшимча равишда 100 миллион доллар ажратилиши маълум қилинди.

2021-2022 йилларда вилоятда умумий қиймати қарийб 20 триллион сўм бўлган 584 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 60 мингта янги иш ўринлари яратилади. Бунда тўқимачилик, қурилиш материаллари, электр техникаси, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ва фармацевтика соҳалари "драйвер" бўлади.

Бу йилнинг ўзида Асака туманидаги "Асака текстиль" ҳамда Жалақудуқ туманидаги "Зумрад текстиль" корхоналарида янги қувватлар, Хўжаобод туманида цемент заводи ва қурилиш материаллари кластери, "Андижон-фарм" эркин иқтисодий зонасида шприц корхонаси ишга туширилади.

Қишлоқ хўжалигидаги вазифалар ҳам кўрсатиб ўтилди. Ғалладан бўшайдиган 70 минг гектар майдонни иккиламчи ижарага бериш орқали 220 минг ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш мумкин.

Йиғилишда вилоят аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Вилоятда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Жорий йилда 271 та кўп қаватли, шунингдек, ипотека асосида 2 минг 500 та якка тартибдаги уйлар қурилмоқда. Шулардан 2 минг 710 та хонадонга субсидия ажратилади.

Бу йил 460 километр ичимлик суви, 1 минг 147 километр электр узатиш тармоқлари қурилиши ва таъмирланиши қайд этилди.

Таълим, тиббиёт соҳаларида ҳам хайрли ишлар кўп. Бу йил 30 та мактаб таъмирланади. Математика, кимё-биология, информатика ва ахборот технологияларига ихтисослаштирилган 13 та мактаб фаолияти йўлга қўйилади.

4 та оилавий поликлиника ва 9 та оилавий шифокорлик пункти ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Вилоятда 1 миллион 500 минг аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш, жумладан, 300 мингдан ортиқ аёлларни маммографик ва ультратовуш текширувларидан ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Мураккаб операцияларга муҳтож, эҳтиёжманд аҳолига ёрдам бериш бўйича вилоятда махсус жамғарма ташкил этиш ташаббуси билдирилди.

Ёшлар ва аёллар муаммоларини тизимли ҳал қилиш, уларни касбга ўргатиш ва иш билан таъминлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, ҳоким ва сектор раҳбарлари ҳисобот берди. Шаҳар ва туман студияларидаги аҳоли билан очиқ мулоқот бўлди.

Давлатимиз раҳбари йиғилишдан сўнг Андижон шаҳридаги бунёдкорлик ишлари ва янги лойиҳа тақдимоти билан танишди.

Дастлаб Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона марказига борилди.

Бу бино 1965 йилда қурилган бўлиб, охирги йилларда эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Жорий йилда реконструкция қилиниб, мукаммал таъмирланди. Китоблар сақланадиган ертўла ва махсус хоналарнинг ости бетонланди. Уч қаватли бино замонавий қиёфа ва шароитга эга бўлди. Кутубхона 872 минг нусхадан ортиқ китоб фондига эга.

Президентимиз марказда яратилган шароитлар билан танишди.

**— Бу жой Андижон вилоятининг маънавият маркази бўлиши керак. Фарзандларимизни ўқитиш — келажакка инвестиция. Шунинг учун бу ерга ёшларни кўпроқ жалб этиш, натижадорликни ошириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Кутубхона фондини бойитиш учун маблағ ажратиш, уни мактаб ва олий ўқув юртлари билан самарали боғлаш, бу ерда Андижон тарихи, Бобур, Чўлпон, Муҳаммад Юсуф каби шоирлар ижоди бўйича танловлар ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Ахборот-кутубхона марказида 68 нафар ходим ва мутахассис меҳнат қилмоқда. Президентимиз уларни маҳаллий бюджет ҳисобидан қўшимча рағбатлантириш бўйича топшириқ берди.

Шавкат Мирзиёев Андижон шаҳрининг Бобур кўчасида қуриладиган кўприк лойиҳаси билан танишди.

Бу иншоот Самарқанд тажрибаси асосида, монолит услубида қурилиши режалаштирилган. У Марказий темир йўл вокзали устидан ўтади ва шаҳарнинг икки қисмини боғлайди. Кўприк узунлиги қарийб 700 метр бўлиши ҳисоб-китоб қилинмоқда.

Унинг қурилиши натижасида масофа 5 километрга, вақт сарфи эса 25 фоизга қисқариб, Андижон аҳлининг неча йиллик орзу-ниятлари амалга ошади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳани маъқуллаб, тегишли маблағ ажратиш бўйича мутасаддиларга кўрсатма берди.

Президентимиз Андижон туманидаги "Андижон гуллар боғи"ни бориб кўрди.

Ҳисоб-китобларга кўра, 10 сотих ерга экилган орхидея гули 850 миллион сўмгача, лилия 450 миллион сўмгача, пион 320 миллион сўмгача даромад олиш имконини беради.

Шу боис Андижон туманидаги "Андижон гуллар боғи" корхонасини кластерга айлантириб, 30 гектар ерда гул ва манзарали кўчатлар етиштириладиган боғ барпо этиш, Шаҳрихон туманидаги касб-ҳунарга ўқитиш марказида Гулчилик мактаби очиш бўйича топшириқ берилди. Бу йўналишда иссиқхоналар ташкил этиш, томорқаларда гул етиштиришни қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди.

**— Бу ҳам гўзаллик, ҳам даромад, ҳам маърифат, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бундай боғларни ҳар бир туманда ташкил этиб, аёлларга гул етиштиришни ўргатиш керак. Бу орқали "аёллар дафтари"га кирган хотин-қизларни ишли, даромадли қилиш мумкин.**

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Андижон вилоятига ташрифи якунланди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

---

**Дил сўзи**

## ИМКОНИЯТ ВА ШАРОИТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

*Камтарона меҳнатим учун "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланганим ҳаётимдаги унутилмас воқеа бўлди. Бу кунларга етганим, Президентимизнинг менга бўлган ишончи, эъзозидан, оддий қишлоқ аёлининг меҳнати шу қадар юксак қадрланганидан бахтиёрман.*

Ўтган йилнинг март ойида пандемия туфайли мамлакатимизда карантин эълон қилингач, тўғриси, ишсиз қолдим. Бу ёқда тирикчилик, рўзғор, деган гаплар бор. Хуллас, ўзимда бор маблағни сарфлаб, Асака туманидаги товуқчилик фермасидан жўжа сотиб олишга аҳд қилдим. Аслида-ку, паррандачиликдан умуман хабарим йўқ. Шундай бўлса-да, соҳани тушунадиганлардан сўраб-ўрганиб, иш бошладим. Ҳовлимиздаги бор шароитдан унумли фойдаланиб, зарур пайтда меҳмонхонамизга ҳам товуқ жойладик. Натижа ёмон бўлмади, аста-секин ишимиз олға силжиди.

Паррандачилик баракали соҳа. Бу орада 4 минг бош жўжа товуққа айланди ва уларнинг сонини 10 минг бошга етказдик. Аксариятини карантин шароитида даромадсиз қолган 170 та хонадонга тарқатдик.

Барча тартиб-қоидага риоя қилганимиз боис паррандалар одатдагидек 7 ойда эмас, балки 4 ойда тухумга кирди. Яъни даромадга уч ой аввал эришдик. Меҳнатимиз натижасини эшитиб, Фарғона водийсидан харидорлар кела бошлади. Дарвоқе, зотдор товуқнинг тухуми шифобахш бўлади. Тухумнинг донаси 2 минг сўмдан 15 минг сўмгача кетди.

Иш кўпайгач, 6 нафар мактаб битирувчисини ёнимга олдим. Хуллас, етти ойда 250 миллион сўм даромад топдик. Бунга ўзимиз истиқомат қилаётган 6 сотихли ҳовлида эришдик.

➡ 3

---

## ХАЛҚАРО ФОРУМДА БУХОРО ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ КУТИЛМОҚДА

*Маълумки, шу йил 23-24 июнь кунлари Бухоро шаҳрида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро глобал ҳамкорлик масалаларига бағишланган халқаро форум бўлиб ўтади. Мазкур нуфузли анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг мамлакатимиздаги таркибий тузилмалари ҳамкорлигида ўтказилади.*

### Брифинг

Шу муносабат билан кеча пойтахтимизда ташкил этилган брифингда ташкилотчилар ушбу форумнинг мақсад ва вазифалари, дастурдан ўрин олган тадбирлар, кутилаётган натижалар ҳақида оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда кенг жамоатчиликка батафсил ахборот берди.

Таъкидланганидек, 2015 йил сентябрда дунёнинг бошқа мамлакатлари сингари Ўзбекистон ҳам 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)нинг Кун тартибига содиқлигини билдирди ҳамда барқарор ва кенг қамровли, изчил иқтисодий ўсиш, ижтимоий интеграция, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга ҳисса қўшиш каби мақсадлар миллий даражада бажарилиши бўйича шартларини қабул қилди. Шунга кўра Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги қарори билан 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар, уларга эришиш "Йўл харитаси" тасдиқланди.

➡ 2

---

## ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ЮҚОРИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

*Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг "Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони жамоатчилик назоратини такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.*

### Муносабат

Ушбу ҳужжат билан очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқлик даражасини янада кенгайтириш бўйича "Йўл харитаси" белгилаб берилди.

Фармон билан бир қатор тартиблар жорий этилмоқда.

Хусусан, 2021 йил 1 июлдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари амалга оширган давлат харидлари, харажатлари ва молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталига ҳамда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириб, уларни ҳар чоракда янгилаб боради.

➡ 2

---

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ:**

## ЮКСАК МАҚОМГА ҚАЧОН, ҚАНДАЙ ЭРИШАМИЗ?

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилишда иштирок этиб, ҳали жуда кўп ишлашимиз кераклигини, йиллар давомида тўпланган муаммоларни зудлик билан бартараф этиш зарурлигини, лоқайдлик, бепарволик иллатларидан қутулишимиз муҳимлигини, замон билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлиш шартлигини чуқур англадик.*

### Акс садо

Ўзбекистонда таълим тизими — мактабгача таълим, мактаб, лицей, коллеж, техникум ва олий ўқув юртларидан иборат бўлса-да, юқори босқич ҳисобланадиган олий таълим инсоннинг шаклланишида, жамиятга интеграциялашувида, мутахассислик олишида асосий омил ҳисобланади. Президентимиз шунинг учун ҳам ислоҳотларни дастлаб олий таълимдан бошлаган эди.

Инсоф билан айтганда, профессор-ўқитувчиларнинг ойлиги кейинги беш йилда 3,5 бараварга оширилди. Йиллар давомида елкамизда юк бўлиб келаётган жуда кўп ташвишлардан озод этилдик. Бунинг эвазига муаллимдан фақат фидойилик, ўз ишига виждонан ёндашиш талаб қилинмоқда. Шу ўринда олий ўқув юртларида тайёрланган кадрлар барча соҳада ишлашини тасаввур этадиган бўлсак, зиммамизда нақадар масъулиятли вазифа борлигини тушунамиз.

Олий маълумотли қурувчининг хатосидан маълум бир одамлар азият чекади. Агроном қишлоқ хўжалиги экинларига, ҳисобчи иқтисодиётга зиён етказиши мумкин. Лекин ўқитувчи, олим фарзандларимизга яхши билим бермаса, бундан бутун жамият мислсиз зарар кўради. Мамлакат парокандаликка, миллат инқирозга юз тутади. Демак, ўқитувчининг, олимнинг хато қилишга, бефарқ бўлишга ҳаққи йўқ.

➡ 4

Пенсия тизимидаги ислоҳотлар:

# АМАЛИЁТ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

*Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, қўмиталар томонидан турли тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.*



## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Кеча парламент қуйи палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан ижтимоий соҳалардаги ислоҳотларга бағишланган “Пенсия тизимидаги ислоҳотлар: амалиёт ва истиқболдаги режалар” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Улуғбек Иноятов, депутатлар, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси вакиллари ҳамда маҳаллий экспертлар маъруза, таклиф ва тавсиялар билан қатнашди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 4 миллионга яқин пенсия ва нафақа олувчилар бор. Пенсия жамғармаси томонидан фуқароларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, тизимни такомиллаштириш ҳамда мавжуд муаммоларни ўрганиш натижасида пенсия ва нафақа олувчиларга қўшимча қулайликлар яратишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ишловчи пенсионерларга пенсиялар юз фоиз жамғарма орқали тўланиши жорий этилиши, ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлиши учун имконият яратилиши, пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланиши ҳамда тўланиши, фуқаронинг иш стажини тасдиқлашнинг соддалаштирилиши, тайинланган пенсия ва нафақаларнинг текшириш талабларини қисқартириш каби енгилликлар жорий этилди.

Шунингдек, Ўзбекистонда ҳам ривожланган мамлакатлар сингари 2022 йил 1 июлдан бошлаб фақатгина паспорт ёки идентификация ID-картани тақдим этиш орқали пенсияларни расмийлаштириш имкони мавжуд бўлади.

Тадбирда депутатлар соҳада қонунчиликни такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил тушунтириш берди. Шу билан бир қаторда, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасига келиб тушаётган мурожаатларнинг 40 фоизидан ортиғи айнан пенсия таъминотига тегишли масалаларга оид эканлиги соҳада ҳали қатор муаммолар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Қизғин савол-жавоб руҳида ўтган давра суҳбати давомида соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишларни жадаллаштириш ҳамда бу борада парламент ва ҳукумат ўртасида амалий ишлар ҳамда мулоқотни янги босқичга олиб чиқишга келишиб олинди.

Давра суҳбати якунида депутатлар ва иштирокчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган қўмитанинг тегишли таклиф ҳамда тавсиялари ҳукуматга тақдим этиладиган бўлди.

**Мунисхон КАРИМОВА.**

# ХАЛҚАРО ФОРУМДА БУХОРО ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ КУТИЛМОҚДА

1

Тадбирда БРМни Ўзбекистонда амалга ошириш Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги кенг кўламли ислоҳотларга тўлиқ мос ва ҳамоҳанг эканлиги ҳам қайд этилди. Унинг бешта устувор йўналиши БРМга эришиш йўли сифатида тасдиқланган. Барқарор ривожланиш мақсадлари миллий ва минтақавий стратегиялар ҳамда ривожланиш дастурлари, жумладан, Ўзбекистоннинг 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясига киритилмоқда. Ҳозирда 190 дан ортиқ стратегик ҳужжатлар, тармоқ ва ҳудудий дастурларга БРМнинг мақсад ҳамда индикаторлари сингдирилган.

Ҳукумат ислоҳотлар самарадорлигини 23 та глобал рейтинг (индекс), шу жумладан, БРМнинг глобал рейтинги орқали кузатиб боради, ҳозирда ушбу рейтингда Ўзбекистон 66-ўринни эгаллаб турибди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йил январь ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламент, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро амалий алоқаларни ўрнатиш, ушбу масала бўйича мунтазам равишда парламент ҳамда жамоат эшитувларини ўтказиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Ана шу вазифаларни бажариш учун 2020 йил февраль ойида барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси тузилди. Унга 6 минг 600 дан зиёд маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам жалб қилинган. Негаки, БРМ бажарилишини назорат қилишда парламент аъзолари роли уларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли билан чамбарчас боғлиқ.

Брифингда парламентнинг ҳар иккала палатаси қонун чиқарувчи ҳамда назорат қилувчи ваколатларидан самарали фойдаланган ҳолда барқарор ривожланиш мақсад ва вазифаларини амалга оширишда фаоллик кўрсатиб келаётгани эътироф этилди. Бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари, ёшлар ҳамда миллий нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам фаол қатнашмоқда.

Ўтган йил 15 июлда Ўзбекистон БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши ҳомийлигида ўтказилган олий даражадаги сиёсий форумда Миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда эришилаётган тараққиёт бўйича биринчи Ихтиёрий миллий шарҳни тайёрлади ва тақдим этди.

Ташкилотчилар таъкидлаганидек, Бухорода бўлиб ўтадиган халқаро форум қатнашчи давлатлар парламентларига минтақавий ҳамда глобал даражада БРМга эришиш йўлидаги тараққиётни режалаштириш, бюджетни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш ва мониторинг қилиш бўйича қарорларни аниқлаш учун кўплаб мамлакатларнинг бу борадаги тажрибалари билан ўртоқлашиш имконини беради.

Парламентларнинг барча саъй-ҳаракатини бирлаштириш ва уларнинг БРМга эришишда ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиришга қаратилган бундай кенг кўламли тадбир ҳали бирон-бир мамлакатда ўтказилмаган бўлиб, Ўзбекистоннинг бу ташаббуси барча мамлакатлар парламентлари томонидан қўллаб-қувватланганига ҳам брифинг давомида урғу берилди.

## Халқаро форумда қуйидаги масалалар таҳлил қилинади:

- Барқарор ривожланиш мақсадларининг самарали бажарилишини таъминлашда парламентнинг роли;
- БРМни амалга ошириш бўйича тадбирларни молиялаштириш;
- унинг мақсадлари статистик кўрсаткичларини шакллантириш;
- бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари ва жамоатчилик иштироки;
- БРМ бажарилишида парламент назорати, мониторинг ва баҳолаш аҳамияти;
- бу борада дунё парламентлари ўртасида халқаро мулоқот ва глобал ҳамкорликни ривожлантириш.

Маълум қилинганидек, форумда парламент аъзолари, нуфузли халқаро ва парламентлараро ташкилотлар, ёшлар парламентлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда давлат идоралари вакиллари иштирок этади. Шунингдек, Европа парламенти, Канада, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Испания, Латвия, Болгария, Корея Республикаси, Хитой, Япония, Индонезия, Малайзия, Таиланд, Туркия, Эрон, Озарбайжон, Афғонистон, Қирғизистон ва халқаро ташкилотлардан 30 нафар спикер ҳам қатнашади. Мамлакатимизга илк маротаба ташриф буюрган Парламентлараро Иттифоқ Бош котиби ҳам ушбу форумда иштирок этиш истагини билдирди.

Бухоро форуми дунё парламентларига Президент Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган БРМга эришишда ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентларнинг ролини ошириш тўғрисидаги махсус резолюцияни чуқур муҳокама қилиш ҳамда ишлаб чиқишни кучайтириш учун ажойиб имкониятдир, дейилди брифингда.

Форум якуни бўйича Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро глобал ҳамкорлик тўғрисидаги Бухоро декларацияси қабул қилиниши ҳам кутилмоқда. Яъни форумда иштирок этадиган парламентлар Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун муайян мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Тадбирда форум арафасида, яъни жорий йилнинг 10 — 24 июнь кунлари юртимизда “Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди!” шиори остида Барқарор ривожланиш ҳафталиги ўтказилаётгани ҳам қайд этилди. Айниқса, мазкур ҳафталик доирасидаги тадбирларга кўплаб экспертлар, парламент аъзолари, жамоат вакиллари, давлат идоралари ва халқаро ташкилотлар вакиллари офлайн ҳамда онлайн тарзда қатнашаётгани эътиборга молик.

**«Халқ сўзи».**

## Мулоқот

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ҲАМКОРЛИК ГУРУҲЛАРИ УЧРАШДИ

*Кеча Олий Мажлис парламентлараро гуруҳи ва Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси “Корея — Ўзбекистон” парламент дўстлик ассоциацияси учрашуви бўлиб ўтди.*

Учрашувда меҳмонларга юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

Шунингдек, томонлар икки давлат парламентлари ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ҳамда истиқболларини чуқур муҳокама қилди.

Мулоқот чоғида сўнгги йилларда икки мамлакат парламентлари ўртасида алоқалар сезиларли равишда тиклангани ва тизимли парламентлараро мулоқот йўлга қўйилгани таъкидланди. Турли даражадаги ташрифлар ташкил этиш, биргаликда тадбирлар ўтказиш ҳамда қабул қилинаётган қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар тўғрисида маълумот алмашиш орқали парламентлараро мулоқотнинг тизимли хусусиятларини таъминлаш бўйича атрофлича сўз юритилди.

Учрашув иштирокчилари минтақалараро алоқаларни ривожлантириш ва ҳудудлар форумини ўтказишга алоҳида эътибор қаратди. Мазкур форум Ўзбекистон ҳамда Жанубий Корея ҳудудлари ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан турли тадбирлар ташкил этиш юзасидан таклифлар билдирди.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

**«Халқ сўзи».**

# ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ЮҚОРИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

1

Шунингдек, ҳар йили 1 мартга қадар давлат органлари ва ташкилотлари ўз фаолиятига оид ҳисоботни расмий веб-сайтларига жойлаштириши, 1 апрелга қадар мазкур ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманларини ўтказиши белгиланмоқда.

Фармонда мутасадди вазирлик ва идораларга ўз фаолиятида очиқлик ҳамда шаффофликни таъминлаш борасида бир қатор вазифалар юкланиши билан биргаликда, Олий Мажлис палаталарига ҳам ўз расмий веб-сайтларида айрим маълумотларни жойлаштириш тавсия этилмоқда. Жумладан, парламент назорати объектларининг ҳисоботларини эшитиш натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар, Қонунчилик палатасида депутатнинг ҳар бир қонун (қарор) лойиҳасини қабул қилиш ёки рад этишдаги, сенаторнинг ҳар бир қонунни (қарорни) маъқуллаш ёки рад этишдаги иштироки тўғрисида, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, сайлов округлари ҳамда уларнинг электрон почта манзиллари ҳақидаги маълумотларни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш тавсия этилмоқда. Бу, ўз навбатида, сайловчиларнинг ўзи сайлаган депутати фаолияти билан яқиндан танишиш билан биргаликда ўзини қийнаб турган масалалар юзасидан депутат билан тезкорликда боғланиш имконини беради.

2021 йил 1 декабрдан бошлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари сессиялари телеканаллар, шунингдек, интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатилиши белгилаб қўйилди.

Фармон билан давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлашга оид ислоҳотларни ўз ичига олган — “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини янги таҳрирда ишлаб чиқиш белгиланди. Шунингдек, мутасадди вазирлик ва идоралар зиммасига мазкур Фармондан келиб чиқиб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш вазифаси юкланди.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда шаффофлигини, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини такомиллаштиришга хизмат қилса, биз, депутатлар олдига соҳага оид қонунчилик ҳужжатларини маромига етказиш, қонун нормалари ижро этилишини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш юзасидан назорат-таҳлил ҳамда парламент назоратини олиб бориш вазифаларини қўяди.

**Хайрилло ҒАФФОРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари,**
**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари.**

# ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ТИЗИМИ: МУАММО, ЕЧИМ ВА НАТИЖА

*Бугунги кунда ҳар соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг самаралари 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижроси билан бевосита боғлиқ.*

*Ички ишлар органлари тизимида, хусусан, жазони ижро этиш йўналишида аниқ манзилли ёндашувга асосланган кенг кўламли ишлар ҳақида ҳам ана шундай фикр билдириш мумкин.*

## Жараён

Миллий қонунчилигимизни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга оид ишлар кўлами ҳам кенг. Хусусан, 2019 йил ижтимоий хавфи ҳамда унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этиб, жазо муддатини ўтаётган шахсларга илк маротаба сайлаш ҳуқуқи берилди. Умумий, қаттиқ, махсус, турма тартибли ва тарбия муассасаларида сақланаётган шахсларнинг яқин қариндошлари билан телефон сўзлашувлари, учрашувлари ҳамда жўнатма қабул қилишлари сони қарийб икки баробар кўпайтирилди.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг розилиги билан уларга психологик ёрдам кўрсатилиши ҳамда руҳий ҳолати бузилган вақтда содир этилган тартиббузарлиги учун интизомий жазо чоралари қўлланилмаслиги кафолатланди. Манзил-колонияларда жазо муддатини ўтаётганларнинг пенсия олиш ҳуқуқлари қонун билан белгиланди.

Жиноят-ижроия кодексига жазо муддатини ўтаётган шахсларни рағбатлантириш чораларини қўллаш тартибини белгиловчи янги норма киритилди. Шунингдек, маҳкумларнинг жазо муддатини ўташ давомида шахсий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чоралар кенгайтирилди.

Маҳкумларнинг илтимосига кўра узоқ муддатли учрашув қисқа муддатли учрашувга ёки масофали видео-учрашувга ёхуд телефон орқали сўзлашувга, қисқа муддатли учрашув эса масофали видео-учрашувга ёки телефон орқали сўзлашувга алмаштирилиши йўлга қўйилди ҳамда жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг олис масофадан келувчи яқин қариндошлари оворагарчилигига барҳам бериш мақсадида масофали учрашув хоналари тайёрланди. Кам таъминланган оила вакили бўлган жазо муддатини ўтаётган шахслар юқори ҳақ тўланадиган ишларга жалб этилиши таъминланди.

### Инсонпарварлик тамойиллари — амалда

Бизнинг халқимиз кечиримли. Давлатимиз раҳбарининг 2017 — 2021 йилларда қабул қилинган тегишли фармонларига асосан қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган, тузалиш йўлига ўтган жами 4 минг 955 нафар шахс афв этилгани ҳам шундан далолат беради.

Шунингдек, 2017 йилдан жорий йилнинг 25 май кунига қадар 43 минг 904 нафар жазо муддатини ўтаётган шахс инсонпарварлик тамойиллари асосида жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиқарилди.

Тан олиш керак, илгари озодликдан маҳрум этилган жойларда сақланаётган шахсларга билим бериш, касб ўргатишга унчалик эътибор қаратилмасди. Эндиликда, жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун имконият яратилиб, қарийб икки йилдан буён улар ўқитилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида Халқ таълими вазирлигининг олтита умумтаълим мактаби филиалида жазо муддатини ўтаётган шахслар таҳсил оляпти. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфидаги касб-ҳунар таълими марказларида ўқитиляпти.

Хусусан, 2019 йилдан 2021 йилнинг шу даврига қадар жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг 680 нафари умумтаълим мактабларида, 582 нафари касб-ҳунар ўқув курсларида ўқитилди.

Жазони ижро этиш муассасаларининг мақсади жазолаш эмас, қайта тарбиялашдан иборат. Инсонни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, унинг касбий кўникмасини шакллантириш эса тарбияда муҳим аҳамият касб этади. Яъни ҳалол меҳнати эвазига оила тебратган одам кейинчалик ҳам жиноят кўчасидан йироқ юришга интилади.

Шу боис бугунги кунда жазо муддатини ўтаётган шахсларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўргатиш, уларнинг касбий маҳоратларини ошириш, бўш вақтларини самарали ўтказиши ва ўз меҳнати билан оиласига ёрдам беришларини таъминлаш мақсадида муассасаларда ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилган.

### «Устоз — шогирд» анъанаси асосида

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Жазони ижро этиш муассасаларида “Устоз — шогирд” мактаблари фаолиятини жорий этиш юзасидан “Ҳунарманд” уюшмаси, Ички ишлар ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликларининг қўшма қарори тасдиқланган.

Ўтган давр мобайнида ушбу ҳужжатлар талаблари асосида муассасалардаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти ривожлантирилди, рақобатбардош, ички ва ташқи бозорларда харидоргир бўлган юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳамда экспорт салоҳияти ошди.

Бугунги кунда мавжуд корхоналар томонидан 100 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Тўқимачилик маҳсулотлари ва пойабзал ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилган. Тайёрланаётган маҳсулотлар юқори сифати ҳамда таннархининг арзонлиги билан харидорларга манзур бўлиб, уларга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб ортиб боряпти.

Амалга оширилаётган бу каби ишлар ўз ўрнида жазо муддатини ўтаётган шахсларни меҳнат орқали тарбиялаш ва озодликка чиққач эгаллаган касбида фаолият юритиши учун катта имконият яратиб бермоқда. Қолаверса, жазо муддатини ўтаётган шахсларни озодликка тайёрлаш, мамлакатимизда бўлаётган сиёсий ҳамда ижтимоий воқеалардан хабардор қилиб бориш учун муассасаларда фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

### «Тоштурма» ўрнида замонавий тергов ҳибсхонаси

Ислоҳотлар жараёнида маҳкумларга муносиб шароитларни яратиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, халқ томонидан “тоштурма” деб аталиб, салбий таърифланган УЯ 64/1 тергов ҳибсхонаси ёпилди, ўрнига халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган Тошкент вилоятининг Зангиота туманида янги 1-сон тергов ҳибсхонаси қурилиб, 2018 йилда фойдаланишга топширилди. Шу каби “Жаслиқ” колонияси тугатилди ва унда сақланган маҳкумлар республиканинг бошқа колонияларига ўтказилди.

Шунингдек, мамлакатимизда кейинги йилларда озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига муқобил (қамоқ билан боғлиқ бўлмаган) жазо чораларини қўллаш тенденциясининг кўпайиши кузатилиб, бунинг натижасида жазони ижро этиш муассасаларидаги маҳкумлар сони камайиши туфайли сўнгги тўрт йилда учта ёпиқ турдаги колония тугатилди. Яъни Навоий вилоятидаги 36-сон, Қашқадарё вилоятидаги 33-сон ва Тошкент вилоятидаги 65-сон умумий тартибли колониялар тугатилди.

Яна бир муҳим воқелик шу бўлдики, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)га жазони ижро этиш колонияларига ҳеч қандай монеликсиз кириш ҳуқуқи берилди. Жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг мавжуд муаммоларини ўрганиш ва ижобий ҳал қилиш мақсадида, Жазони ижро этиш департаменти раҳбарияти томонидан сайёр қабуллар ўтказилиши йўлга қўйилган. Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)га, прокурорга мурожаатлари, ариза ҳамда шикоятлари учун мўлжалланган алоҳида почта қутилари ўрнатилган. Қонунларга риоя этилиши прокуратура идоралари ва Омбудсман томонидан мунтазам равишда мониторинг қилиб борилмоқда.

Ўтган беш йил давомида жазони ижро этиш муассасаларида реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, эскирган бино ҳамда иншоотлар ўрнида янгилари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги 21-сон жазони ижро этиш муассасасига қарашли ҳудудда фойдаланилмаётган эски иншоотлар қайтадан реконструкция қилиниб, унинг ўрнида “Содоқат боғи” аҳоли кўнгилочар маскани барпо этилди.

Тизимда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида шу йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, Жазони ижро этиш бош бошқармаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти дея қайта ташкил қилиниб, унда департаментнинг ҳуқуқий асослари ҳамда жазони ижро этиш тизимини рақамлаштириш орқали соҳада инсон омилини истисно қилиш ва жазони ўташнинг тартиботини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар аниқ белгилаб берилди.

Масалан, жазони ижро этиш муассасаларида ходимларнинг бодикамера билан хизмат ўташ тартибини жорий қилиш, жазо муддатини ўтаётган шахслар томонидан ички тартиботнинг бузилиш ҳолатларини барвақт аниқлаш учун кузатув ва назорат амалиётига интеллектуал (“Smart”) камералар тизимини татбиқ этиш ҳамда ёпиқ турдаги муассасаларда тақиқланган воситалар ва буюмлар олиб кирилишининг олдини олиш мақсадида, уларнинг назорат ўтиш жойларида бодисканерлар ўрнатиш босқичма-босқич амалга оширилади.

Бундан ташқари, ёпиқ турдаги муассасаларда овқатларнинг сифатини ошириш мақсадида жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг озиқ-овқат таъминотини шаффофлик ва очиқлик тамойили асосида аутсорсинг тизимига ўтказиш чоралари кўриляпти.

### 25 та манзил-колония босқичма-босқич қисқартирилади

Президентимизнинг ўтган йили Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасига мувофиқ халқаро стандартлардан келиб чиқиб, 25 та манзил-колония босқичма-босқич қисқартирилади.

Шунингдек, жазонинг ўталмаган муддатини енгилроқ жазо билан алмаштириш ва жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги тақдимномаларни киритиш ваколати жазони ижро этиш органидан Инсонпарварлик комиссиясига ўтказилади.

Натижада ҳозир манзил-колонияларда жазо ўтаётган шахсларга ўз маҳалласи назорати остида, оиласи бағрида бўлиш имконияти яратилади. Уларни иш билан таъминлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида зарур чоралар кўрилади. Бу ҳам жиноятчиликнинг олдини олишда кенг жамоатчиликнинг ролини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Умуман, Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида сўнгги беш йил ичида жазони ижро этиш тизимида амалга оширилган ишлар салмоғи ҳам, кўлами ҳам кенг. Давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсатидан ҳамда ахборот технологиялари асри талабларидан келиб чиқиб, соҳада ислоҳотлар жараёни бундан кейин ҳам изчиллик билан давом эттирилади.

**Рустам ТУРСУНОВ,**
**ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти бошлиғи, полковник.**

## Қўшма йиғилиш

*Кеча Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.*

# Ҳудудий давлат идораларининг коррупцияга қарши курашиш юзасидан ахбороти эшитилди

Унда сенаторлар, маҳаллий Кенгаш депутатлари, Бош прокуратура, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳудудий органлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари мансабдор шахсларининг жойларда коррупция кўринишларига олиб келадиган тизимли муаммолар ва коррупциянинг ҳолати тўғрисидаги ахборотлари эшитилди.

Таъкидланганидек, 2020 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида аҳоли ҳуқуқий онгини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида ҳудудий давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан жами 2 мингдан зиёд учрашув, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилган.

Аммо шу каби саъй-ҳаракатларга қарамай, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчилик ҳолатлари камайгани йўқ. Масалан, коррупцион ва мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар ўтган йилда 90 тани, жорий йилнинг 5 ойида 97 тани ташкил қилгани ташвишланарлидир.

Тадбирда идоралар фаолиятининг молиявий натижаларини очиб берадиган, коррупцияга қарши чораларни ошкор этишни таъминлайдиган механизмларни жорий қилиш бўйича ички назорат ва ички аудитни йўлга қўйишни таъминлаш, давлат органлари ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш каби таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб олинди.

Қўшма йиғилишда муҳокама этилган масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ИМКОНИЯТ ВА ШАРОИТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

1

Оддий ўзбек аёли уйдан чиқмаган ҳолда шунча даромад топишининг имкони бор экан, демак, юртимизда ҳеч бир хотин-қизнинг камбағал яшашга ҳаққи йўқ. Ана шу шиорни дилимга тугиб, шу кунгача кам таъминланган оилаларга 23 минг бош товуқ тарқатдик ва уларнинг ҳам даромад манбаига эга бўлиши учун амалий ёрдам бердик.

Давлатимиз раҳбари вилоят фаоллари йиғилишида меҳнатимни алоҳида эътироф этганида ҳаракатларим зое кетмаганидан қувондим. Тўғриси, фаолиятимни қўллаб-қувватлаб, тижорат банкидан 5 миллиард сўм миқдорида фоизсиз кредит ажратилишини кутмагандим.

Айниқса, Президентимизнинг: "Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, кам таъминланган оилаларни даромад манбаига эга қилишдаги иштироки, жамиятдаги намунаси учун "Меҳнат шуҳрати" орденини топшираман", деган сўзларини эшитиб, ниҳоятда тўлқинландим.

Бу — тарихда бўлмаган воқеа. Бу, оддий ўзбек аёлига берилган юксак эътибор!



Мамлакатимизда хотин-қизларга барча шароит яратилмоқда. Аёлларни иш билан таъминлаш, оғир вазиятга тушиб қолганларга ёрдам бериш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Қисқача айтганда, ўзбек аёллари бугун давлат ва жамият ардоғидадир.

Демак, ҳамма гап ўзимизда қолган — ҳар бир кундан унумли фойдаланиб, изланишимиз, янада самарали меҳнат қилишимиз лозим.

**Умидахон УСМОНОВА,**
**«Етти хазина дурдонаси» оилавий корхонаси раҳбари, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.**

# БУГУН ЭКИЛГАН НИҲОЛ ЭРТАГА ЎЗ МЕВАСИНИ БЕРАДИ

*Кеча давлатимиз раҳбари билан учрашув давомида бундан ўттиз йил олдинги бир воқеа ёдимга тушди. Ўшанда нуфузли бир йиғинда Шавкат Мирзиёев жамиятнинг етук вакили сифатида олий таълимга эътиборни кучайтириш таклифини киритган эди. Яъни вилоятларда университетлар ташкил этиш ва олий таълим муассасаларига қабул миқдорини ошириш ҳақида куюнчаклик билан гапирган эди. Бироқ турли сабаблар билан бу ғоя амалга ошмади...*



Қарангки, орадан шунча йиллар ўтиб, ўша ҳаётбахш ғоялар — узоқ йиллик орзулар рўёбга чиқмоқда.

Бу масаланинг яна бир муҳим жиҳати, таълимнинг қуйи бўғини билан боғлиқ. Мактабларда сифатли таълим тизими жорий этилмас экан, олий таълимдан кўзланган натижага эришиб бўлмаслиги айни ҳақиқат.

Президент Андижон вилояти фаоллари билан учрашувида шу масалани ҳам ечиб берди. Жумладан, вилоятда инглиз ва немис тилларини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган 15 та мактаб ташкил этиш бўйича кўрсатма берди.

Қолаверса, 1 сентябргача математика, кимё-биология, информатика ва ахборот технологияларига ихтисослаштирилган 13 та мактаб фаолияти йўлга қўйиладиган бўлди. Шунингдек, вилоятнинг 15 та шаҳар ва туманида босқичма-босқич инглиз ҳамда немис тилларини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган биттадан мактаб очиш юзасидан мутасаддилар олдига муҳим вазифалар қўйилди.

Зеро, бугун қўйилган тамал тоши эртага ўз самарасини беради.

**Манзурахон ЭГАМОВА,**
**меҳнат фахрийси.**



# БИЗНЕС ЗИММАСИДАГИ БУРЧ

*Дунёдаги моддий бойликларга, асосан, кимлар эгалик қилмоқда? Жаҳоннинг энг бадавлат кишилари ҳақида биласизми? Бугун истаган одам ушбу саволларга жавоб топа олади. Қолаверса, шундай замондошларимиз борки, уларнинг мол-мулки бутун бошли давлатлар олтин-валюта захирасидан ҳам бир неча баробар юқорилигига ҳозир ҳеч ким ажабланмайди.*

*Бу — глобаллашган бозор тартиботини шакллантиришда миллий ҳукуматлар мавқеи пасайиб, миллатлараро корпорациялар таъсири кучайиб бораётганининг тасдиғи.*

*Мана, эътибор қилинг, 2019 йилда 171 мамлакатнинг ялпи ичик маҳсулоти 85,4 триллион долларни ташкил этган. Шунинг 80 фоизи 500 та миллатлараро диверсификацияланган компанияга тегишли. Масалан, АҚШнинг "Амазон" интернет савдо корпорацияси йиллик тушуми 874 миллиард, "Walmart" савдо корпорациясиники 500 миллиард, Хитойнинг "State Grid" электр тармоқлари корпорацияси тушуми эса 345 миллиард долларга тенг бўлган. Ваҳоланки, Ер юзида ялпи ички маҳсулоти кўрсаткичи ана шу рақамларнинг ярмига ҳам етмайдиган ўнлаб мамлакатларни санаш мумкин.*

*Хўш, шундай экан, миллатлараро корпорацияларнинг мамлакат аҳолиси, жаҳон жамоатчилиги олдидаги бурчлари нималардан иборат?*

## Халқаро тажриба

### Аввал руҳни даволаш лозим

Корпорациялар зиммасидаги бурчлар улар фаолият юритаётган мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига кўра фарқланади. Давлатлар эса бу жабҳада, асосан, икки — корпоратив ва маданийлашган деган сифат билан икки турга бўлинади. Буни қандай ажратишимиз мумкин?

Гап шундаки, корпоратив давлатларда иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ривожланишнинг асосий мезонидир. Маданийлашган давлатларда эса иқтисодий кўрсаткичлар — иккинчи ўринда. Уларда маданий-маърифий, маънавий ўсиш кўрсаткичлари етакчи аҳамият касб этади.

Шу ўринда Президентимизнинг 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида айтган сўзларини эсга олиш жоиз: "Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир".

Бу — Ўзбекистоннинг маданийлашган мамлакатлар қаторига кираётганидан далолат. Зеро, инсон танасида касаллик пайдо бўлса, шифокор, аввало, унинг руҳиятини соғломлаштиради, кейин танасини даволайди.

Демак, жамиятнинг маънавий-маърифий қиёфасини соғломлаштириш иқтисодий ўсишнинг пойдеворидир.

### «Швед модели»нинг нимаси афзал?

Иқтисодий ўсишни таъминлашда корпорациялар, умуман, бизнеснинг ўрни беқиёс. Чунки ишбилармонлар кўпроқ фойда топиш илинжида инновацион лойиҳаларни рўёбга чиқаришга зўр беришади. Бу орқали ўзларини ҳам, мамлакатни ҳам бой қилади. Тараққиётнинг юксак нуқтасига чиққан Швецияни олайлик. "Инсонийлик қиёфасидаги капитализм мамлакати" деб аталадиган бу давлатда юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи 26,3 фоиз, қўшилган қиймат солиғи 12 дан 25 фоизгача. Капиталнинг ўсган қисмидан эса 30 фоизгача солиқ олинади.

Дания, Германия ва бошқа ривожланган мамлакатларда давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш дастурлари тўлиқ мулкдорлар тўлайдиган солиқлар ҳисобидан молиялаштирилади. Мамлакатда ижтимоий ҳимоя дастурлари қанчалик кенг бўлса, бизнесдан олинадиган солиқлар юки шунчалик юқори бўлади.

"Швед социализми" бозор иқтисодиётига асосланган. Бу ерда корхоналарнинг 95 фоизи хусусий. Ишлаб чиқаришда давлат секторларининг улуши Италия ёки Францияга нисбатан анча паст. Аксинча, бу кўрсаткич ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш ва таълимни бошқаришда ниҳоятда юқори. Булар жуда катта харажатларни талаб қилади. Шунинг учун Швецияда солиқлар ҳамда ижтимоий тўловлар миқдори анча салмоқли — ялпи маҳсулотнинг 60 фоизи атрофида.

"Швед модели"да иқтисодиёт давлат ўрнатган рақамлар доирасида ишлайди. Бу — "ёввойи" капитализм эмас, аксинча, давлат таъминоти ва иқтисодиётнинг юқори маҳсулдорлиги мужассамлаштирилиб, тартибга солинган тизим. Солиқ механизми шундай шакллантирилганки, бир нафар бой бир неча камбағални молиялаштиради. Шунинг учун давлат тадбиркорлар мулкининг кўпайишидан манфаатдор. Фақат



шарт шуки, бу мулк жамиятга хизмат қилсин!

Худди шундай ҳолат немислар мамлакатида ҳам мавжуд. Германия конституцияси фақат жамиятга хизмат қиладиган хусусий мулкни тан олади, жамият учун зарарли мулк ўзини яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

### Очиқ рақобат товламачиликни кўтармайди

Корпорациялар жамоатчиликка нисбатан қандай муносабатда бўлиши лозим? Атроф-муҳитга-чи? Бу масалада ишбилармон доираларнинг ёндашувлари ҳар хил. Баъзиларнинг фикрича, қонунлар ва давлат ўрнатган меъёрларни бузмай, максимал фойдасини кўпайтирган ташкилот жамият олдидаги бурчини бажарган ҳисобланади. Бошқача ёндашув тарафдорлари эса ташкилотлар ишчилар, истеъмолчилар ҳамда маҳаллий жамоаларнинг инсонийлик ва ижтимоий муносабатларига таъсирини ҳисобга олиб фаолият юритишини, ижтимоий муаммоларни ечишга ҳисса қўшишини талаб қилади. Ушбу нуқтаи назарни ёқловчилар замонавий ташкилотлардан фақат юксак иқтисодий натижаларни эмас, балки жамиятнинг ижтимоий мақсадларига эришишини кутади.

Аслида ишбилармонликнинг шаклланиши — узоқ йиллик жараён. Ана шу даврда жамоатчиликнинг унга нисбатан фикри ҳам такомиллашиб борган. XX аср бошида баъзи ишбилармон раҳбарлар корпорациялар ўз ресурсларини жамият ютуғи учун йўналтириши керак, деб ҳисоблаган. Масалан, америкалик пўлат ишлаб чиқарувчи Эндрю Карнеги ижтимоий дастурларга 350 минг доллар сарфлаб, 2 минг жамоат кутубхонасини қурган. Джон Рокфеллер 550 миллион доллар эвазига Рокфеллер фондини тузган. "Сирс" фирмаси раҳбари Роберт Вуд рақамлар билан ифодалаб бўлмайдиган бундай кенг ижтимоий мажбуриятлар бизнесни ривожлантиришда устувор аҳамиятга эга, деб ҳисоблаган.

Аммо ўтган асрнинг 30-йилларида АҚШда юз берган "Буюк депрессия" Вуд ва унинг ҳамфикрлари қарашлари кенг ёйилишига тўсқинлик қилди. Чунки бу даврда Америка корхоналарининг мақсади банкрот бўлмай, яшаб қолиш эди. Жамият ҳам улардан фойда ҳамда иш ўринларини сақлаб қолишни кутарди.

50-йилларга келиб, ишбилармонликнинг жамият олдидаги масъулияти масаласи яна кўтарилди. Хоуард Боуэн "Ишбилармонликнинг ижтимоий масъулияти" китобида бизнесга ижтимоий масъулият концепциясини татбиқ этиш аҳамиятини асослаб берди.

*Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти соҳиби Милтон Фридманнинг ёзишича, ҳақиқий ишбилармонлик деганда "ўйин" қоидаларига риоя этган, очиқ рақобатда қатнашган, товламачилик ҳамда алдамчилик қилмай, фойдани кўпайтиришга йўналтирилган қувват ва ресурслардан оқилона фойдалана олиш тушунилади. Шунинг учун ташкилотлар ресурсларининг бир қисмини ижтимоий каналларга йўналтириши лозим. Улар атроф-муҳит муҳофазаси, соғлиқни сақлаш ҳамда хавфсизлик, фуқаролар, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш каби соҳаларда масъулият билан ишлаши зарур.*

> *"Саноат ва маиший чиқиндиларнинг кўпайиши Ўзбекистон учун ҳам жиддий муаммо. Юртимизда йилига 7,1 миллион тонна маиший чиқиндилар тўпланади. 2018 йилда уларнинг 1,3 миллион тоннасини қайта ишлаш эвазига 1,1 миллион тоннага яқин маҳсулот тайёрланди. Қолган қисми эса йилига 5,87 миллион тоннани ташкил этяпти. Ушбу муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш учун давлатимиз раҳбари 2019 йил 17 апрелда "2019 — 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида" қарор қабул қилди."*

### Бизнеснинг ёзилмаган қонунлари бор

Истеъмолчилар хавфсизлигини таъминлаш, экологик меъёрларга риоя қилиш — тадбиркорликнинг муҳим шарти. Маърифатлашган мамлакатларда ахлоқий меъёрларга амал қилиш тижорий муваффақият, моддий манфаатдан устун қўйилади.

Ижтимоий масъулият ташкилотнинг ижтимоий муаммоларга ихтиёрий равишда ҳозиржавоб бўлишини тақозо этади. Масалан, "Юнион Карбайд" фирмаси Ҳиндистонинг Бхопал шаҳрида қурган заводдан заҳарли моддалар оқиб чиқиши оқибатида 2 минг киши нобуд бўлганда, дунё кимё саноатида 4-ўринда турган "Монсанто" фирмаси унинг 55 заводи яқинида яшайдиган аҳолини юз бериши мумкин бўлган фалокатдан ихтиёрий равишда огоҳлантирган. "Проктер энд Гэмбл" фирмаси эса 1980 йилда зарарли моддалари борлиги учун "рилай" тампонини ишлаб чиқаришни тўхтатди. "Джонсон энд Джонсон" фирмаси ҳам "Гиленол" капсуласида заҳарли моддалар излари аниқланиши билан, 50 миллион доллар зарар кўришига қарамай, худди шундай йўл тутди. Бу мисоллар атроф-муҳит билан қарама-қаршиликка борган фирма узоқ муддат масъулият билан ишлай олмаслигини кўрсатади.

Немис ишбилармонларининг фикрича, бозор ёзилмаган қонунлар, "ўйин" қоидалари, ахлоқий меъёрларга риоя қилишни тақозо этади. Атроф-муҳитни ободонлаштириш, тартибсеварлик, инсофлилик, бирдамлик шулар жумласидандир. Мисол учун, бирдамлик қанчалик кам бўлса, ҳуқуқий тартибга солиш ва давлат қарорларига эҳтиёж шунча кўп бўлади.

Ғарб мамлакатларида ишбилармонлар қатъий амал қиладиган ахлоқий меъёрлар мавжуд. Чунончи, юқори унумдорлик ва фойдага атроф-муҳитни бузиш эвазига эришмаслик шарт. Шунингдек, адолатли қоидалар доирасида рақобатлашиш зарур. Яна бир меъёрга кўра, меҳнат билан яратилган неъматларни шундай тақсимлаш лозимки, аҳоли орасида камситилган табақалар бўлмасин. Бинобарин, инсон техникага эмас, техника инсонга хизмат қилиши керак. Навбатдаги ахлоқий норма — корпорациялар ишларида хизматчилар иштирокининг оқилона шакллари фақат яхшироқ ишлаш истагини уйғотиб қолмай, балки масъулият ҳиссини оширсин. Ўз навбатида, иқтисодиёт диндан фарқли ўлароқ ахлоқий меъёрларга эмас, моддий неъматлар тақсимотига йўналтирилади, бироқ жамоа манфаатлари тақозо этганда, ахлоқий меъёрларга бўйсуниши лозим.

Булардан шуни англаш мумкин: жамият ахлоқий, руҳий жиҳатдан тайёр бўлмаса, бозор тартибини ўрнатиб бўлмайди.

### Японларнинг яхши яшаш сири қандай?

Гэри Беккер — америкалик машҳур олим. 1992 йилда иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти соҳиби бўлган. У мамлакатнинг асосий бойлигини нефть ёки жавоҳирлар эмас, балки аҳолининг маълумоти, касбий тайёргарлиги, малакаси ҳамда соғлиғи ташкил этишини исботлаб берган. Бунинг учун Беккер ресурсларга бой ва ресурслари йўқ мамлакатлардаги турмуш даражаларини ўзаро таққослаган.

Хусусан, фойдали қазилмалари йўқ японлар жуда катта нефть захираларига эга нигерияликлардан яхши яшайди. Чунки Кунчиқар юрт одамлари бир неча ўн йиллардан бери қўлига фотоаппарат олиб, дунё музейларига боради, машҳур университетларда ўқийди. Нигерияликлар эса ёшлигидан қурол ўйнатиб, бойликларни қайта-қайта бўлишади ва буни эркакларга хос жиддий бизнес, деб ҳисоблашади. Олимнинг бу тадқиқотларидан "қаерда аҳиллик бўлса, ўша ерда фаровонлик бўлади", деган хулоса келиб чиқади.

Мулк эгаси бўлиш одамнинг масъулиятини кучайтириши рост. Шу билан бирга, унда маънавий қиёфанинг ўзгаришига ҳам таъсир кўрсатади. Тадбиркорлик фақат иқтисодий манфаатлар билан белгиланмай, балки ҳар бир жамиятнинг етуклик даражасидан келиб чиқадиган маънавий-ахлоқий меъёрлар билан тартибга солиниши лозим.

Масалан, фирма фойдасини кўзлаб, атроф-муҳитга зиён келтириш жамият манфаатларига зид. Ёки ўз фойдаси учун шеригини алдаш мунофиқликдир. Бундай меъёрларни шакллантиришда Шарқ мамлакатларида ислом дини катта ўрин тутади. Ислом таълимоти диннинг ўзи каби объектив заруриятдан вужудга келган. У мусулмонларга фақат диний эмас, балки ҳаётий мажбуриятлар ҳам юклайди.

### Экологик масъулият керакми?

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, экологик ресурслар аста-секинлик билан ўзаро муносабатларнинг иқтисодий ричагларига айланиб бормоқда. Бозор муносабатлари барча нарсалар, шу жумладан, экологик ресурсларнинг сарфи, айниқса, мамлакатлараро олди-бердида уларни маълум баҳоларда ўлчашни кескин қилиб кун тартибига қўймоқда. Бу эса ана шу табиат бойликларини аҳоли ва ташкилотлар томонидан масъулиятсизлик билан исроф қилиб, фойдаланишнинг олдини олишга, яъни экологик масъулиятни оширишга хизмат қилади.

Экологик масъулиятни ошириш, асосан, ихтиёрийлик ва ички шахсий (жамоавий) тартибга бўйсуниш ҳиссини вужудга келтириш билан боғлиқ. Саноат ҳамда маиший чиқиндиларнинг кўпайиб бориши — атроф-муҳитга энг катта хавф туғдирувчи муаммо. Ҳозирги кунда дунё бўйича йилига бир неча миллиард тонна чиқинди ҳосил бўлади. Бунинг сабабини саноат, мудофаа, маиший, илмий ва бошқа мақсадлар учун 60 та кимёвий элемент ҳамда ўнлаб табиий фойдали қазилма турлари ишлатилиши билан изоҳлаш мумкин.

АҚШ, Япония, Германия каби илғор мамалакатларда аҳоли жон бошига фойдали қазилмалар истеъмоли йилига 5 — 20 тоннани, дунё бўйича эса 8 тоннани ташкил этади. Бу кўрсаткич 100 йил аввалги ҳолат билан қиёслаганда 4 баробар кўп.

Табиий бойликларни қазиб олиш жадаллашуви захираларнинг доимий қисқаришига олиб келиши маълум. Агар улар чуқурроқ жойлашган бўлса, борган сари кўпроқ қатламларни ағдариб, ер юзига олиб чиқишга, техноген юклама даражасининг ортишига сабаб бўлаётир.

### Ҳар ким ўз ҳовлисини тозаласа...

Америка тадқиқотларига кўра, бир нафар саноат ишчиси бир нафар аҳоли вакилига нисбатан 8 марта кўп саноат чиқиндиси чиқаради. АҚШ, Германия, Франция, Англия, Японияда бундай ташламаларни зарарсизлантириш 65 — 80 фоизга етади. Бошқа мамлакатларда эса, афсуски, бу кўрсаткич анча паст.

Шаҳарлар кундалик ҳаётида ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндилар ҳам атроф-муҳит учун катта таъсир кўрсатади. Уларнинг 20 — 40 фоизини макулатура, 2,5-3 фоизини қора ва рангли металлар, 25 — 40 фоизини озиқ-овқат чиқиндилари, 1-2 фоизини пластмасса, 4 — 6 фоизини тўқимачилик буюмлари, 4 — 6 фоизини шиша ташкил этади.

Йилдан-йилга чиқиндилар таркиби ўзгаряпти. Эллик йил аввал кўпроқ органик чиқиндилар чиқарилган бўлса, эндиликда пластика биринчи ўринга чиққан. Полиэтилен пакетларни маҳсулот солиш ё ўраш учун 20 — 30 дақиқа ишлатамизу кейин унинг чиришига 480 йил вақт зарур.

Чиқиндилар кўпайишини тўхтатиш учун ҳар бир бизнес тузилмаси пластика, шиша, қоғозни қайта ишлаши, органик-биокомпост қилиши лозим. Бу борада Япония 1960 йилда, Европа 1980 йилларда ислоҳот бошлаган.

Чиқиндилар қайта тикланадиган қувват манбаидир. "Hitachi" корпорацияси дунё бўйлаб чиқиндиларни ёқиб, қувват яратувчи 500 та завод қурган. Улар йирик шаҳарлар, ҳатто шаҳар марказларида жойлаштирилган бўлишига қарамай, бунга на аҳоли, на экологлар эътироз билдирмаган. Чунки бундай заводларда атмосферага чиқиши мумкин бўлган заҳарли газларни тутиб қоладиган фильтрлар ўрнатилган.

Саноат ва маиший чиқиндиларнинг кўпайиши — Ўзбекистон учун ҳам жиддий муаммо. Юртимизда йилига 7,1 миллион тонна маиший чиқиндилар тўпланади. 2018 йилда уларнинг 1,3 миллион тоннасини қайта ишлаш эвазига 1,1 миллион тоннага яқин маҳсулот тайёрланди. Қолган қисми эса йилига 5,87 миллион тоннани ташкил этяпти. Ушбу муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш учун давлатимиз раҳбари 2019 йил 17 апрелда "2019 — 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида" қарор қабул қилди. Ушбу ҳужжатда қайд этилишича, 2017-2018 йилларда қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимининг инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилди, 13 та санитария жиҳатидан тозалаш давлат унитар корхонаси ҳамда уларнинг туман ва шаҳарларда 172 та филиали, бинобарин, 9 та маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластери ташкил этилди. Кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг деярли ярми санитария жиҳатидан тозалаш хизматлари билан қамраб олинишига имкон берди. Ўз навбатида, атроф-муҳитни қаттиқ маиший чиқиндилардан тозалаш учун уларни тўплаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш бўйича 2019 — 2028 йилларга вазифалар белгиланди. Ушбу вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши мамлакатимиз озода ва мусаффолигини таъминлайди. Зеро, донишманд Афлотун айтганидек, ҳар ким ўз ҳовлисини тозаласа, мамлакат обод бўлади.

**Нуритдин ЙЎЛДОШЕВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети Менежмент кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ: ЮКСАК МАҚОМГА ҚАЧОН, ҚАНДАЙ ЭРИШАМИЗ?

1 Президентимиз ташаббуси билан олий ўқув юртлари моддий-техника базаси тубдан яхшиланди. Сўнгги уч йилда бунинг учун 2,5 триллион сўм йўналтирилган. Қабул квоталари уч баравар ортди — 66 мингтадан 181 мингтага етказилди. Бунинг натижасида 0,25 ёки 0,5 штатда, кам маош олиб ишлаётган профессор-ўқитувчилар учун тўлиқ штатда, муқим иш ўринлари яратилди. Уларнинг чет элларда эълон қилинган мақолалари ёки китоблари учун рағбатлантириш тизими жорий қилинди. Хорижда малака ошириши учун давлат томонидан катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда. Илмий унвонлар бериш тартиблари осонлаштирилди. Таълимнинг барча тизимида мажбурий меҳнатга бутунлай барҳам берилди. Истеъдодли ёшларни тарбиялаётган, илмий раҳбарлик қилаётган олимларга мукофотлар жорий этилди.

Мухтасар айтганда, Президентимиз олимларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни энг олий даражага етказди. Муҳими, мазкур жараён давом этмоқда. Лекин, минг афсуслар бўлсинки, профессор-ўқитувчилардан талаб этилаётган салоҳият, сифат ва самарадорлик, ҳалоллик, инсоф даражаси ҳамон пастлигича қолмоқда.

Олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган олимларда ўз ишига совуққонлик билан ёндашиш ҳолатлари мавжуд. Илмий ишларнинг натижадорлиги талаб даражасида эмас. Бундан 5 — 10 йиллар олдин, улар билан суҳбатлашсангиз, ҳар йили иш ўринлари қисқараётганлигидан, маош камлигидан, мажбурий меҳнатдан, илм одамларининг қадри йўқлигидан нолишар эди. Бугун бутунлай бошқа манзара. Илм аҳли ҳурмат ва иззатда, меҳнатига яраша моддий таъминланмоқда. Эндиги гап — фақат натижада. Халқимиз келажакда яхши яшаши учун бугун болаларимизга муносиб таълим беришимиз керак. Олимларимиз 20 — 30 йил олдинги маърузаларидан воз кечиб, замон билан ҳамнафас қадам ташлаши керак. Чет тилини билмаслик, интернет тармоғидан фойдаланмаслик, замонавий технологиялардан бехабарлик ҳолати билан буткул муроса қилиб бўлмайди.

Тарихга назар ташласак, Самарқанддаги Улуғбек мадрасасига, Хоразмдаги Маъмун академиясига



юзлаб мамлакатлардан илм толиблари келиб, таҳсил олган. Илм қаерда бўлса, ўша мамлакат ривож топади. Миллат қаддини тиклайди. Қолганлар ҳисоблашишга мажбур бўлади. Бугун кучли қуроли бор, қудратли армияга эга мамлакатлар эмас, юксак билим, сифатли таълимга эга халқлар дунёга ҳукмронлик қилмоқда.

> ***Олий маълумотли қурувчининг хатосидан маълум бир одамлар азият чекади. Агроном қишлоқ хўжалиги экинларига, ҳисобчи иқтисодиётга зиён етказиши мумкин. Лекин ўқитувчи, олим фарзандларимизга яхши билим бермаса, бундан бутун жамият мислсиз зарар кўради.***

Мустабид тузум ва минг афсуски, мустақиллик йилларида ҳам илм-фанга, олимларга етарли даражада эътибор қаратилмагани туфайли илм-фан, замонавий технологиялар борасида ортда қолиб кетдик. Нима қилиш керак? Президентимиз таъкидлаганидек, илм-фан ривожланган давлатларга ёшларимизни юбориб, ўқитишимиз керак. Хорижлик домлаларни ишга таклиф этишимиз зарур. Бундан бошқа йўлимиз йўқ. Ўшандагина ўзгариш бўлади.

Бугунги кунда Самарқанд давлат университети жаҳоннинг 160 га яқин олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик ўрнатган. Дунёнинг бир қатор нуфузли олимлари талабаларимизга онлайн машғулотлар ўтмоқда. Улар ичида икки нафар Нобель мукофоти лауреати ҳам бор. СамДУ билан Финляндиянинг Турку университети ўртасида меморандум имзоланди. Унга кўра, СамДУ қошида Ўзбек — фин педагогика институти ташкил этилмоқда. Кафедра мудирлари ва профессор-ўқитувчиларни четдан жалб этиш амалиёти аллақачон йўлга қўйилди. Лекин бу етарли эмаслигини ўзимиз ҳам яхши биламиз. Келажакда факультет деканлари, проректорларни хориждан таклиф қилиш режамиз бор. Энг муҳими, хорижлик олимларнинг Ўзбекистонга, Самарқандга қизиқиши, интилиши борлиги кишида умид уйғотади.

Халқаро экспертлар Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотлар, очиқлик сиёсати, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, демократия муносабатларига ижобий баҳо бермоқда. Бунинг натижасида узоқ йиллар давомида Ўзбекистонга салбий қараган Европа мамлакатлари олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари СамДУ билан ҳамкорлик қилишга рози бўлмоқда. Ёш олимларимизни стажировка, докторантурага қабул қилиш масалаларида кўмаклашмоқда. Эътибор бериб қарасак, биргина 2021 йилнинг ўтган даврида 10 га яқин хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчилари Самарқанд давлат университетига ташриф буюриб, олий ўқув юртлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш юзасидан таклиф ва тавсиялар беришди. Эндиги вазифа — фаолроқ бўлиш, мана шундай имкониятдан фойдаланиш ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдан иборат.

Самарқанд — дунё нигоҳидаги шаҳар. Юртимизга ташриф буюраётган меҳмонлар — Шарқдан бўладими ёки Ғарбдан, албатта, СамДУни ҳам бориб кўришга ҳаракат қилади. Хорижий экспертларнинг Ўзбекистонга қизиқиши, ҳайрати, бизга ғурур бағишлайди. Исроилнинг Холон технология институти президенти Эдуард Якубовнинг мана бу фикрлари сўзимиз исботи:

"Бутун дунё мамлакатлари раҳбарларини Президент Шавкат Мирзиёевдан ўрнак олишга чақираман. Ўзбекистон таълим тизимига қисқа фурсатда жуда катта маблағлар йўналтирилди. Халқаро алоқаларга эътибор ортди. Олимларнинг моддий рағбати кучайтирилди. Таълимнинг барча бўғини ислоҳ этилди. Бундай инқилобий ўзгаришларни фақат халқини севган, қадрлаган инсон амалга оширади..."

Бундай эътирофларни ўнлаб хорижликлардан эшитамиз.

Президентимиз куни кеча бўлиб ўтган йиғилишда олий ўқув юртларидаги дарсликлар муаммоси, коррупциявий жиноятлар ҳақида ташвиш билан гапирди. Энг муҳими, яна олий ўқув юртларига мустақиллик бериш, кафедраларнинг нуфузини ошириш, ишлаб чиқариш корхоналарини олий ўқув юртларига жалб этиш, ёш олимларни хорижга юбориш, харажатларнинг маълум миқдорини бюджетдан қоплаш, вилоят ҳокимларининг олий ўқув юртларига эътиборини янада кучайтириш, профессор-ўқитувчиларни чет тилига ўқитиш, олий ўқув юртлари илмий салоҳиятини ошириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Буни Президентимиз томонидан бизга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрлик, эътибор, шароит, таъбир жоиз бўлса, қўшимча имконият, деб тушунишимиз, ўз ўрнида муносиб жавоб қайтаришимиз керак.

Аввало, профессор-ўқитувчиларимизга, устоз-мураббийларимизга, зиёлиларимизга мамлакат ва халққа дахлдорлик, Ватанга муҳаббат, миллат олдидаги масъулият туйғусини сингдиришимиз зарур. Ўшанда улар тарбиялаган ёшларда ҳам мазкур ғоялар мустаҳкам бўлади. Тарбиямиз тақдиримизни белгилашини унутмаслигимиз лозим.

Англашимиз керакки, Ўзбекистонда бошланган ислоҳотлар энди ҳеч қачон ортга қайтмайди. Муносиблар бир сафда бўлади. Қолганларни тараққиётнинг ўзи четга чиқариб ташлайди. Бу аччиқ ҳақиқатдан ўзимизга тегишли хулоса чиқариб олишимиз шарт.

**Рустам ХОЛМУРОДОВ,**
**Самарқанд давлат университети ректори, профессор,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## Фестиваль

*Навоий вилоятида "Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!" шиори остида фестиваль бўлиб ўтди. Уч кун давом этган тадбирларга вилоятнинг 300 мингга яқин ёшлари қамраб олинди.*

# ЁШЛАР ҚАЛБИДА ЖЎШ УРГАН ШИЖОАТ



Фестиваль дастуридан ўрин олган 50 га яқин лойиҳалар асосида шаҳарнинг етти нуқтасида марафон, кўрик-танлов, турли спорт мусобақалари, халқ ўйинлари, кўргазмалар, баҳс-мунозара, мушоира ҳамда учрашувлар ташкил этилди.

"Илм-маърифат" боғида ўтказилган ёш ижодкорларнинг "Дуэл" лойиҳаси, айниқса, каттаю кичикнинг бирдек эътиборини тортди ва мушоира чинакам шеърхонлик байрамига айланиб кетди.

— Фестивалда жамоа якдиллиги, бирдамлиги яққол кўзга ташланди, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи, сенатор Жамшид Ходжаев. — Албатта, унинг самараси ўз атрофига қанча ёшларни бирлаштириши баробарида кейинчалик иштирокчилар қалбида жўш урган шижоат ва дахлдорлик оловининг тафти билан ҳам давомийлиги белгиланади.

Фестиваль доирасида спортнинг волейбол, гандбол, минифутбол турлари ҳамда "Street workout", "Cybersport" кўринишлари бўйича мусобақалар ўтказилиб, ғолиб ва совриндорлар муносиб рағбатлантирилди.

Якунда уюштирилган гала-концерт ҳамда байрам мушакбозлиги тадбирга ўзгача шукуҳ бағишлади.

**Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).**

## Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллиги

# ШЕЪРХОНЛИК ВА ҒАЗАЛХОНЛИК ФАЙЗИ

*Пушкин "Ўзимга қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қўйдим", деганидек, ўзбек шеъриятида бу каби иқрорни Абдулла Орипов бемалол айтиши мумкин эди.*

*...Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида талаба эдик. Ётоқхонада мушоиралар бўлар, ҳамсабоқлар талашиб шеър ўқишарди.*

Бир куни шаҳрисабзлик курсдошимиз Яшнарбек Авлоқулов шоир Абдулла Ориповнинг "Она" шеърини ўқиди:

*У кун четда оҳ чекардим,*
*Ғуссаларнинг дастидан.*
*Сен отамга пул берибсан,*
*Ёстиғингнинг остидан...*

Шеърдаги Она қишлоқдаги онамиздек таниш эди. Ўшанда хаёлан қишлоққа бориб келгандек бўлгандик.

Шеърхонликларда ўқитувчиларимиз ҳам даврага чиқиб, ўша пайтларда донғи чиққан шеърлардан ўқир эди.

Эсимда, қашқадарёлик устозимиз Файзулла Набиев қачон шеърхонлик бўлса, фақат битта шеърни — Абдулла Ориповнинг "Аёл" шеърини ўқир эди. Домла шошмасдан, ширали оҳангда, актёрлардек асар руҳига тўла кириб ўқирди:

*Йигитлар мактубин битганда қондан,*
*Келинлар фироқдан чекканда ёҳу.*
*Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан,*
*Ўн тўққиз ёшида бева қолди у...*

Шеър мазмуни бизга яхши етиб бориши учун бир оз пауза қилар, узундан-узоқ шеърни — яна ҳамма ёддан биладиган шеърни тантанавор тарзда тўлиқ ўқиб тугатарди:

*Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда,*
*Ҳайкал ҳам қўйингиз бамисли хаёл.*
*Шундайлар бўлмаса агар дунёда,*
*Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл.*

Балки шеър домлага жуда ёққан бўлса не ажаб. Ўқитувчимизнинг нуқул шу "Аёл" деган шеърни такрор ва такрор ўқийверишига шама қилиб, ҳазил тўртлик ёздим. Навбатим келганда, гап келганда устозни ҳам аяма, қабилида уни ўқиб юбордим:

*Битта шеърда хаёли,*
*Набиевнинг "Аёл"и.*
*Қаримайди — сўлмайди,*
*Сира кампир бўлмайди.*

Бўлди кулги, бўлди қарсак, ҳаммадан кўра қаҳқаҳа отиб кулаётган Файзулла ака Набиевнинг ўзи эди.

Биргина Набиев эмас, бошқа устозлар ҳам тадбирларда шеър ёд айтарди. Ҳозир-чи? Бирон катта ёшли бир одам даврага чиқиб шеър ўқимайди. Шеър ўқиш негадир ёш болаларга топшириб қўйилгандай. Қани эди, катталар, майли биров-ярим боболар ҳам шеър ўқиса, бунинг аҳамияти бениҳоя зўр бўлмайдими?

Оташқалб Абдулла Орипов шеърлари умр бўйи бизга йўлдош бўлди.

Дабдурустдан бирор тилак айтинг деса, ҳатто ўзингизнинг шеърингиз ёдга келмаслиги мумкин, аммо Абдулла Ориповнинг тўртлигини эсдан чиқариб бўпсиз:

*Орзум шул, ўчмасин ёнган чироғинг,*
*Юлдуздек нур сочсин чашминг-қароғинг.*
*Магар чинор бўлсанг, чинордек яша,*
*Бевақт узилмасин бирор япроғинг.*

Яқинда ёшларга сўз танлаш аҳамиятини тушунтирар эканман, ёрқин бир мисол излаб, беихтиёр Абдулла Ориповнинг мисраларини айтиб юбордим:

*Ёмғир тинмай ёғди кун бўйи,*
*Ёмғирли кун каби эзилди дардим.*
*Яйдоқ кўчаларда жим юрган кўйи,*
*Сенинг изларингни ахтардим.*

— Қани, айтинглар-чи, шоир қайси сўзни узоқ қидириб топган?

— "Яйдоқ", — жўр бўлиб жавоб берди болалар.

— Ҳа, баракалла. Аммо ўзимиз фикримизни ифодалашда зарур сўзни излашга эринчоқлик қиламиз, — дедим уларни сўз қадрига етишга ундаб.

Нафсиламрини айтганда, Абдулла Ориповнинг сатрлари не бир мақолаларга сарлавҳа бўлмади. Не бир анжуманларни гуллатмади. Байрамларда момоқалдироқдек гумбурлади. Шоир қай мавзуда ёзмасин, шеърнинг зўрини ёзар эди-да!..

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясини ҳам Абдулла Орипов ёзганлигини эътиборга олсак, дунё харитасида Ўзбекистон деган давлат турар экан, шоир шеърларининг садоси тўхтамайди.

**Абдуғаффор ОДИНАЕВ, журналист.**

# «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ТИЗИМИДА КРЕДИТЛАШНИНГ ЯНГИ МЕХАНИЗМИ ҚЎЛЛАНИЛМОҚДА

*Мамлакатимизда 2017 йилда бошланган банк соҳасидаги ислоҳотлар бугунги кунга келиб фаол босқичга чиқди. Президентимизнинг 2020 йил 12 майдаги "2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги Фармони билан тизимдаги трансформация жараёнлари банк бизнесида янгича муҳитни шакллантириб, барча амалий чора-тадбирларни мижозларга йўналтирган ҳолда ишлаб чиқишга туртки берди. Жумладан, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ тизимида Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) маслаҳатчилари кўмагида кредитлаш амалиётларини соддалаштириш, кредит портфели ҳамда таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилашга қаратилган жиддий чоралар кўрилди. Банк хизматлари оммабоплиги оширилиб, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишга эришилди. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун молиявий очиқлик таъминланди.*

SANOAT QURILISH BANK

Банк томонидан 2020 йилнинг иккинчи ярмида жорий қилинган андеррайтинг тизими ана шундай ишларнинг амалдаги ифодасидир.

Айтиш жоизки, бундан 3-4 йил аввал мижозлар ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этиш ҳамда хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимига бўлган ишончини янада оширишда қатор муаммо ҳамда камчиликлар кузатилар эди. Хусусан, кредитларни ажратиш бўйича қарорлар қабул қилишда ваколатларнинг ҳаддан ташқари марказлашгани бош банк ва филиаллар ўртасидаги жавобгарликнинг аниқ чегараланишига тўсқинлик қиларди. Кредит буюртмаларини кўриб чиқишнинг мураккаблашган механизмлари, айниқса, инсон омили мавжудлиги, тизимнинг автоматизация қилинмагани кредитларни тезкор олиш имкониятини чегаралarди. Чакана банк хизматлари бозорининг паст даражада ривожлангани ҳамда мижозлар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишнинг замонавий ёндашувлари мавжуд эмаслиги ортиқча бюрократия учун замин яратарди. Андеррайтинг тизимининг жорий қилиниши ушбу муаммо ва камчиликларни бартараф этиш учун замин яратди.

2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида тижорат банклари олдига соҳада замонавий сервис ечимлари асосида ахборот ва молиявий технологияларни кенг жорий этиш ҳамда молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш талаби қўйилган эди. Шу боис "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда муассасани трансформация қилиш жараёнида кредит ажратишнинг шаффофлигини таъминлайдиган, кредит бўйича масъул шахслар томонидан холислик тамойили асосида, шахсий манфаатлар иштирокисиз қарор қабул қилишга асосланган андеррайтинг тизимини ишга туширишга катта эътибор қаратилди.

Натижада 2020 йилнинг июнь — август ойларида чакана савдо, август — октябрь ойларида эса корпоратив ҳамда кичик ва ўрта бизнес йўналишини ушбу тизим доирасида кредитлаш йўлга қўйилди.

**Андеррайтинг тизими ишга туширилиши билан:**

● кредит ажратиш босқичлари 6 тадан 3 тага, муддати эса лойиҳа қиймати ва мақсадидан келиб чиқиб, 10 кундан 1 кунгача қисқартирилди;

● корхоналарнинг мулкчилик шакли, кредит мақсади, фаолият туридан келиб чиқиб, қатор янги кредит маҳсулотлари жорий этилди.

Ажратилаётган кредитларларни расмийлаштириш ва унинг сўндирилишигача бўлган барча жараённи назоратда ушлаш учун кредитларни бошқариш хизмати ташкил қилинди.

Бугунги кунга келиб, ушбу икки тузилма банк кредит портфели сифатини сақлаш ҳамда муаммоли кредитлар улушини камайтиришда таъсирчан механизм бўлиб хизмат қилмоқда.




**2020 йилнинг октябрь ойидан қўлланила бошлаган ушбу тизим натижасида:**

● банкдаги муаммоли кредитлар ҳажми ўтган даврдагига нисбатан 3 бараварга камайиб, кредит портфелига нисбатан 0,3 фоизни ташкил қилди;

● муддати ўтган тўловлар ҳолатлари мавжуд бўлган кредит шартномалари ҳажми 23,4 фоизга камайди;

● банк кредит портфели сифати сезиларли даражада яхшиланди.

Жорий йилда ҳам андеррайтинг тизими асосида кредитлаш амалиётлари фаол амалга оширилмоқда. Январь — март ойларида корпоратив, кичик ва ўрта бизнес ҳамда чакана бизнес йўналишида умумий қиймати 2 375,2 миллиард сўм бўлган 895 та кредит ариза келиб тушган бўлса, шундан қарийб 60 фоизи тасдиқланди, қолган қисми қайта кўриб чиқиш учун филиалларга йўналтирилди.

Шунингдек, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб қарз миқдори маълум сумма доирасида бўлган кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги стандарт операциялар бўйича қарор қабул қилиш филиаллар кредит комиссиясининг қарорисиз амалга оширилиши йўлга қўйилди. Бу билан мижозларнинг кредит олиш ҳақидаги мурожаатлари қисқа муддатда ҳал этилиши таъминланмоқда.

Энг асосийси, "Ўзсаноатқурилишбанк"да жорий этилган кредитлашнинг янги механизми тизимда коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Реклама ўрнида

# СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ

*Когон туманидаги Сиёзпиён қишлоғи тарихи олисларга бориб тақалади. Яқин-яқингача ушбу ҳудуд аҳолисининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжи транспортда ташиб келтириш эвазига таъминланарди.*

## Қулайлик

Қишлоқ "Обод қишлоқ" дастурига киргач, аҳолининг узоқ йиллик орзуси ушалди. Ҳудуд қиёфаси ўзгариб, инфратузилма юзага келди. Бир сўз билан айтганда, қишлоққа файз кирди.

Ўз навбатида, ичимлик суви таъминоти масаласи ҳам ҳал бўлди. Мазкур қишлоқ номи билан аталувчи сув иншооти 5 миллиард сўм маблағ эвазига реконструкция қилинди. Унинг лойиҳа қуввати суткасига 9 минг 600 метр кубни ташкил этади.

Қарангки, янги иншоотнинг фойдаланишга топширилиши шу қишлоққа қўшни Хўжа Якшаба ҳамда Тун-ироқ қишлоқлари аҳолиси учун ҳам қутлуғ келди. Бу ҳудудларга ҳам сув қувурлари тортилиб, ичимлик суви аҳоли хонадонларига кириб борди.

**Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 648. 24 989 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 01.05 1 2 3 4 5 6